

Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати

1. Лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), таълим фаолиятини амалга ошириш жойи манзили, банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланаётган тури, таълим фаолияти йўналишлари рўйхати;
2. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
3. Фаолиятнинг лицензияланаётган тури амалга ошириладиган биноларга (хоналарга) мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг мавжудлигини, шунингдек мазкур бинолар (хоналар)нинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
4. Ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари;
5. Ўқув режалари ва дастурлари;
6. Нодавлат таълим муассасаси уставининг нусхаси;
7. Чет тилларга ўқитган ҳолларда педагогик кадрлар тўғрисида маълумот (маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиши ва эгаллаб олганлиги даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатининг нусхалари);
8. Ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган моддий воситаларнинг (ёки уларнинг аниқ манбаи) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
9. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Изиҳ: Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Казначейство МФ ИНН 201122919
Р/сч 23402000300100001010
РКЦ ГУ ЦБ МФО 00014 Ташкент ш.
Давлат тест маркази ИНН 200626780
Л/счёт 400110860262667950100045001